DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-48 Pages: 439-444

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



PHRASEOLOGICAL UNITS IN THE ARABIC LANGUAGE: THEORETICAL FOUNDATIONS AND INTERPRETATION IN CLASSICAL SOURCES

Mushtariybegim Q. Mamasolieva
PhD Researcher
Tashkent State University of Oriental Studies
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Arabic language, phraseology, linguistics, lexicology, lexicography, semantics, phraseological units, fixed expressions, meaning, classical sources.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: The article analyzes the theoretical foundations of phraseological units in the Arabic language and their interpretation in classical sources. It examines the role of phraseological expressions in lexicology, as well as their semantic and structural characteristics. The research findings highlight the necessity of a systematic classification of phraseological units in Arabic language studies and their inclusion in dictionaries.

АРАБ ТИЛИДА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР: НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА КЛАССИК МАНБАЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ

Муштарийбегим Қ. Мамасолиева
Докторант
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Араб тили, фразеологизм, тилшунослик, луғатшунослик, лексикография, семантика, фразеологик бирликлар, турғун бирикмалар, маъно, классик манбалар.

Аннотация: Мақолада араб тилидаги фразеологик бирликларнинг назарий асослари ва классик манбалардаги талқини таҳлил қилинади. Фразеологизмларнинг луғатшуносликдаги ўрни, уларнинг маъно ва шаклланиш хусусиятлари кўриб чиқилади. Тадқиқот натижалари араб тилидаги фразеологик бирликларнинг илмий ўрганилиши ва луғатларда тизимли таснифи зарурлигини кўрсатади.

ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ В АРАБСКОМ ЯЗЫКЕ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ В КЛАССИЧЕСКИХ ИСТОЧНИКАХ

Муштарийбегим К. Мамасолиева
Докторант
Ташкентский государственный университет востоковедения
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Арабский язык, фразеологизм, языкознание, лексикология, лексикография, семантика, фразеологические единицы, устойчивые выражения, значение, классические источники.

Аннотация: В статье анализируются теоретические основы фразеологических единиц в арабском языке и их интерпретация в классических источниках. Рассматривается роль фразеологизмов в лексикологии, а также их значение и особенности формирования. Результаты исследования показывают необходимость научного изучения фразеологических единиц в арабском языке и их систематической классификации в словарях.

Кириш. Тил жамият аъзолари ўртасида мулоқотни таъминлайдиган кучли боғловчи восита ҳисобланади. Инсонларнинг тиллари ва маданиятлари ранг-баранглигига қарамай, тил фикрни етказиш ва маданиятларни халқлар орасида ёйишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу жараён ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган, муайян маънони ифода қилиб бера олувчи сўзлар, жумлалар ва гаплар орқали амалга ошади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Тиллар бир-биридан ўз грамматик тузилиши ва фонетик, морфологик, синтактик ҳамда семантик сатҳдаги хусусиятлари билан фарқ қилади. Шунга қарамай, фразеологизмлар барча тилларга хос умумий лисоний ҳодиса ҳисобланади. «Ҳар бир тилда ўзига хос фразеологизмлар мавжуд бўлиб, улар ушбу тилнинг грамматик тузилиши ва лингвистик асослари билан узвий боғлиқ ҳолда шакллангандир» (Battakh, 2010, p. 7).

Фразеологизмлар – муайян халқ ёки жамият томонидан шаклланган, маданият, муҳит ва тил структураси билан боғлиқ бўлган, маъносини уни ташкил этувчи сўзлардан аниқ англаб бўлмайдиган ифодалардир. Масалан, инглиз тилидаги «Break the ice» иборасининг сўзма-сўз маъноси «Музни синдир» бўлса-да, бу фразеологизм «Суҳбатга йўл очиш, эркин муҳит яратиш» маъносини англатади. Шунингдек, «He looks blue» ибораси сўзма-сўз «У кўк кўринади» дегани бўлса ҳам, бу фразеологизм «У қайғули, ғамгин кўринади» маъносини англатади.

Юқоридаги мисоллар инглиз тилидаги фразеологизмлар ушбу тилнинг табиати ва уни қўлловчи халқ муҳити билан тўлиқ мувофиқ келишини кўрсатади. Бундай ҳолат нафақат инглиз тили, балки бошқа тилларда ҳам кузатилади.

Араб тили ҳам бу каби фразеологик ифодаларга бой бўлиб, улар унинг морфологик хусусиятлари, халқнинг маданияти, турмуш тарзи, анъаналари, қадриятлари ва дунёқараши билан уйғунлашган. «Фразеологизмларнинг маъноси уларнинг таркибидаги сўзларнинг луғавий маъноларидан эмас, балки тил эгалари томонидан келишилган ва шаклланган лисоний урфдан олинади» (Mudhayani, 2009, p. 101).

Ушбу мақолада араб тилидаги фразеологик бирликларнинг моҳиятини, уларнинг луғавий ва семантик хусусиятларини ҳамда ушбу тил ҳодисасининг араб тилшунослигида қандай тасвирланганини ўрганишни мақсад қилдик. Хусусан, классик араб манбаларида фразеологизмлар қандай талқин қилинган ва улар луғатшунослик анъаналарида қандай ўрин тутган? Ушбу саволга жавоб излаб, араб тилининг бой лисоний мероси ва ундаги фразеологик бирликларнинг шаклланиш жараёнларини таҳлил қиламиз.

Мақола араб тилидаги фразеологик ифодаларни ўрганишга қаратилган бўлиб, унинг объекти сифатида классик ва замонавий луғатлардаги фразеологик бирликлар таҳлил қилинган. Тадқиқотда индуктив метод қўлланилиб, манбалар асосида умумий хулосалар чиқарилган ва фразеологик ифодаларнинг шаклланиш жараёни ўрганилган.

Натижалар. Фразеологизм тушунчасига араб тилшунослари томонидан бир қанча таърифлар берилган бўлиб, уларнинг барчаси битта мазмун атрофида айланади: фразеологизм – бу сўзма-сўз ва кўчма маънога эга бўлган сўзлар кетма-кетлиги бўлиб, унинг фразеологик бирлик сифатидаги маъносини таркибий сўзларнинг луғавий маъноларини ўзидан келиб чиқиб англаб бўлмайди. Фразеологизмларга берилган машҳур таърифлар қуйидагилардир:

1. Вафо Комил Фоид фразеологизмни қуйидагича таърифлайди: «У муайян тилга хос бўлган, ўзгармас шаклда келувчи ифода бўлиб, бир ёки бир нечта сўздан ташкил топади ва унинг умумий маъносини таркибий сўзлар маъноларини йиғиш орқали аниқлаб бўлмайди» (Fayed, 2003, p. 897).

2. Аҳмад Мухтор Умар эса фразеологизмни шундай таърифлайди: «У бир неча сўзлар бирикишидан ташкил топган бўлиб, уларнинг умумий маъноси таркибий сўзларининг алоҳида маъноларидан фарқ қилади.» Масалан, «السوق السوداء» [as-sūq as-sawdāʾ] - «ноқонуний савдо билан шуғулланиш» (сўзма-сўз: қора бозор), «لبّى نداء ربّه» [Labbā nidāʾa rabbihi] - «вафот этди» (сўзма-сўз: Парвардигорининг чақириғига лаббай деб жавоб қилди) маъноларини англатади» (Omar, 2008, p. 1450).

3. Юсуф Алиян эса фразеологизмни бундай таърифлайди: «Бу ўзига хос тил бирлиги бўлиб, унинг таркибий қисмларининг маъноси умумий маънога мос келмайди»

Араб тилшуносларининг баъзилари фразеологизмларни «الألفاظ المسكوكة [al-alfāẓ al-maskūkah]» (тайёр ифодалар), бошқа бирлари эса «التضام [at-taḍām]» (бирикма), яна айримлари «المتلازمات اللفظية [al-mutalāzimāt al-lafẓiyyah]» (турғун бирикмалар) деб атайдилар. Бироқ, ҳозирда ушбу тушунчани ифодалаш учун кенг қўлланилаётган термин «التعبير الاصطلاحي [at-taʿbīr al-iṣṭilāḥī]» (шартли ибора) ҳисобланади.

Фразеологизмлар қадимдан тилнинг бир қисми сифатида шаклланган барқарор боғланмалар бўлиб, араблар ўз нутқларида улардан кенг фойдаланганлар ва уларнинг маъноларини қўшимча изоҳларсиз англай олганлар. Араб тилининг улкан лингвистик мероси фразеологик бирликларга жуда бой бўлиб, сўзлар, бирикмалар ва жумлалар шаклидаги тил материаллари йиғиш учун муҳим манба ҳисобланади.

Классик давр араб тилшунослари бу лисоний ҳодисани эътибордан четда қолдирмаганлар. Масалан, машҳур тилшунос Сибавайҳи ўзининг шох асарида араб тилида турғун бирикмалар мавжудлигини таъкидлаб, қуйидагича ёзади: «У (ибора)ларда иккита сўз бир сўз сифатида ишлатилади. «قالي قلا» [qālī qalā] «Қолийқола» (жой номи) (сўзм.: Қолийнинг эҳсони), «بادي بدا» [bādī badā] «барчасидан аввал» (сўзм.: бошлашни бошлашда), «حيص بيص» [ḥayṣ bayṣ] «Сичқонни ини минг танга бўлди» (сўзм.: қийинчилик машаққат) кабилар бунга мисол» (Sibawayh, 1991, vol. 3, p. 403).

Ушбу давр тилшунослари ўзларининг лексикографик изланишларида луғат бирликларига изоҳ беришда фразеологизмларга ҳам тўхталиб, уларнинг маъноларини батафсил тушунтиришга ҳаракат қилганлар, зарур ўринларда мисоллар келтириб ўтганлар. Қадимги луғат китобларида фразеологизмлар кўп бўлиб, улар орасида Халил ибн Аҳмад ал-Фароҳидийнинг «Китоб ал-айн», Абу Амр аш-Шайбонийнинг «Мўъжам ал-жим» ва Муфаддал ад-Даббийнинг «Ал-Фохир фи ал-амсол» каби асарлари алоҳида ўрин тутади. Муфаддал ад-Заббийнинг ушбу китоби «...халқ орасида кенг қўлланиладиган мақоллар ва суҳбатларда ишлатиладиган фразеологик бирликларнинг маъноларини ўзида жамлаган» (Al-Mufaddal, 2011, p. 3). Ҳақиқатдан ҳам, ушбу китоб кўплаб мақол ва ибораларни ўз ичига олган бўлиб, бу муаллифнинг арабларда фразеологизмлар мавжудлигига эътибор қаратгани ва уларни пухта ўрганганини англатади. Шунингдек, Замахшарий ўзининг «Асасул-балаға» асарида, Ибн Манзур «Лисанул-Араб» луғатини тузишда фразеологик бирликларни ўрганганлар. Бошқа араб тилшунослари ҳам бу мавзуда тадқиқотлар олиб борганлар. Бу эса фразеологизмлар тилшуносликка оид араб классик адабиётларида чуқур илдиз отган тушунча эканлигини ва уларнинг «الأمثال» [al-

amthāl] «мақоллар», «الكلام المأثور» [al-kalām al-maʾthūr] «ҳикматли сўзлар», «القول السائر» [al-qawl as-sāʾir] «машҳур иборалар» каби атамалар остида ўрганилганлигини билдиради.

Ушбу асарларда фразеологик бирликлар жуда кўп бўлиб, айримлардан мисол келтирамиз:

– «فلانٌ بحر» [fulānun baḥr] (сўзм.: фалончи денгиздир) «Фалончи жуда олим инсондир» (Zamakhshari, 1998, vol. 1, p. 411).

– «جاؤوا على بكرة أبيهم» – [jāʾū ʿalā bakrat abīhim] (сўзм.: «Оталарининг жамоасида келдилар). Ушбу иборанинг маъноси: «Ҳеч ким қолмасдан, ҳаммалари биргаликда келишди» (Shaybani, 1974, vol. 1, p. 90). «Асмаъий айтади: «Яъни, бир хил тарзда келишди». Абу Амр: «Унинг маъноси — барчалари келдилар». Абу Убайда: «Маъноси — бир-бирининг изидан келдилар. Бу ерда гуруҳ маъноси йўқ» (Al-Mufaddal, 2011, p. 25). Ушбу ибора ҳозирги замонавий араб тилида «عن بكرة أبيهم» [ʿan bukrat abīhim] шаклида ишлатилади ва «ҳаммаси, барчаси» маъносини англатади.

– «وضعت الحرب أوزارها» [waḍaʿat al-ḥarb awzārahā] (сўзм.: Уруш юкини қўйди). Ушбу иборанинг маъноси «уруш тугади, жанг якунланди» деганидир. Бу ибора Қуръони Каримда ҳам келтирилган.

– «طار من رأسه» [ṭār min raʾsihi] «унутди, эсдан чиқарди» (сўзм.: бошидан учиб кетди). Бу ибора бирон нарсани мутлақо унутиб қўйган кишини тасвирлаш учун ишлатилади.

– «في طرفة عين» – [fī ṭarfat ʿayn] – «бир лаҳзада» (сўзм: кўз юмишда). Бу ибора жуда тез содир бўлган нарсаларни тасвирлаш учун ишлатилади.

– «لا يرى أبعد من أنفه» – [lā yarā abʿad min anfihi] – «узоқни кўра олмайди» (сўзм: бурнидан нарини кўрмайди). Бу ибора келажак ҳақида ўйламайдиган, фақат ўз манфаати ёки ҳозирги ҳолатни ҳисобга оладиган инсонни тасвирлаш учун ишлатилади.

– «جعل أذنا من طين وأخرى من عجين» – [jaʿala udhnan min ṭīn wa-ukh'rā min ʿajīn] – «бепарволик қилди» (сўзма-сўз: бир қулоғини лойдан, бошқасини хамирдан ясади). Бу ибора кимдир эшитиши керак бўлган нарсани қасддан эшитмасликка олган пайтда ишлатилади. Яъни, «бир қулоғидан кириб, иккинчисидан чиқиб кетиш» иборасига ўхшайди.

«ثلجت القلوب» – [thalajat al-qulūb] – «хурсанд бўлди» (сўзма-сўз: қалблар музлади). Бу ибора киши қалбининг хотиржам бўлиши, ташвиш ва ғамдан қутулиши, хурсанд бўлиши ҳолатини тасвирлайди.

Қадимги араб тилшуносларининг луғатларида фразеологизмилар жуда кўп учрайди. Уларда ушбу ибораларга эътибор қаратилиб, маънолари мисоллар билан кенг шарҳлаган. Бироқ, ўша давр олимлари лексикографияга оид улкан тадқиқотлар олиб

борганларига қарамай, фразеологик бирликларга оид алоҳида назарий асос яратмаганлар. Яъни, у даврда фразеологизм тушунчаси аниқ белгилаб берилмаган ва бу ҳодисанинг бошқа тил ҳодисалари қаторида алоҳида ўрганилиши таъминланмаган.

Бошқа тил ҳодисалари, масалан, дуал шакл — التثنية [at-tathniyah] га қарайдиган бўлсак, унинг мукаммал таҳлил қилингани, унинг таърифи ва чегаралари аниқ белгилангани, шунингдек, кўплаб тилшуносликка оид асарларда алоҳида боб ёки бўлим остида тадқиқ қилинганини кўрамиз. Бу эса классик давр тилшуносларнинг фразеологизмларга мустақил тадқиқот йўналиши сифатида қарамаганларининг ўзига хос сабаби борлигига ишора қилади.

Муҳокама. Бизнингча, араб луғатшунослари томонидан фразеологик бирликларга бағишланган махсус луғатлар яратилмаганининг икки асосий сабаби бор:

1. Араб луғатшунослари илк лексикографик тадқиқотларида асосан лексемаларга эътибор қаратганлар. Улар сўзларни якка ҳолда таҳлил қилиб, асосий диққатни лексемаларнинг маъноларига қаратганлар. Фразеологизмлар эса сўз бирикмалари шаклида келади ва уларнинг маъноси таркибий сўзларнинг индивидуал маъноларидан келиб чиқмайди. Шу боис, араб луғатшунослари фразеологизмлар ёки коллокациялар каби бир неча сўздан ташкил топган ифодаларни тадқиқот объекти сифатида кўрмаганлар. Натижада, классик араб луғатларида фразеологик ифодалар алоҳида ва кенг ўрганилмай қолган.

2. Замонавий араб тилшунослигида التعبير الاصطلاحي (at-taʿbīr al-iṣṭilāḥī) – фразеологизм деб аталувчи тушунча, қадимги араб луғатшуносларининг қарашларида аниқ белгилаб олинмаган. Уларнинг асарларида бу тушунча кенг ва ноаниқ бўлиб, турли тил ҳодисалари билан аралашиб кетган. Шу сабабли, фразеологик бирликлар الأمثال (al-amthāl) – мақоллар, الكلام المأثور (al-kalām al-maʾthūr) – ҳикматли сўзлар, القول السائر (al-qawl as-sāʾir) – машҳур иборалар каби бир-биридан фарқли атамалар остида таснифланган. Фразеологизм тушунчасининг аниқ чегаралари мавжуд эмаслиги уни муайян луғат ҳодисаси сифатида ажратиб олиш ва алоҳида тадқиқ этиш имкониятини чеклаган. Шунинг учун фразеологик ифодалар араб луғатларида мустақил бўлим сифатида эмас, балки бошқа тил бирликлари таркибида ўрганилган.

Хулоса. Араб тилидаги фразеологик бирликлар тилнинг энг муҳим қисмларидан бири бўлиб, улар халқ маданияти, тарихий тажрибалари ва анъаналари билан чамбарчас боғлиқ. Фразеологизмлар муайян бир тилга хос бўлган турғун бирикмалар бўлиб, уларнинг маъносини таркибий сўзларнинг луғавий маъноларидан англаб бўлмайди.

Тадқиқот давомида маълум бўлдики, классик араб тилшунослари фразеологизмларни алоҳида тил ҳодисаси сифатида эмас, балки мақоллар, ҳикматли

сўзлар ва машҳур иборалар таркибида ўрганганлар. Қадимги луғатлар ва тилшуносликка оид асарларда фразеологик бирликлар кўп учрайди, лекин улар учун махсус бўлим ажратилмаган ва назарий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Бунинг асосий сабаблардан бири шуки, араб луғатшунослари ўз тадқиқотларида асосан якка сўзлар, лексемалар билан иш олиб борганлар, бирикмаларга эса алоҳида эътибор қаратмаганлар. Шунингдек, фразеологик бирликлар мустақил атама сифатида кечроқ шаклланганлиги сабабли, улар классик тилшунослик анъанасида тартибли ва тизимли ўрганилмаган.

Ҳозирги замонда фразеологик бирликларнинг луғавий ва семантик хусусиятларини чуқурроқ таҳлил қилиш, уларни мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганиш ва махсус луғатлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Араб тилининг бой лисоний меросини тўлиқ англаб етиш ва уни илмий асосда тадқиқ қилиш учун фразеологизмларнинг структураси, семантикаси ва уларнинг араб тилидаги ўрнини янада кенгроқ ўрганиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Al-Mudayni Al-Anzi, M. B. N. (2009). Idiomatic expressions: A look at their concept, characteristics, and meaning constraints in the Arabic lexicon. Journal of Language Sciences, 12, Egypt.
2. Shaybani, A. A. I. (1974). Al-Jim (I. Al-Abiary, Ed.). Cairo: General Authority for Government Printing Affairs.
3. Zamakhshari, A. M. (1998). Asas al-Balaghah (M. B. Ayun Al-Soud, Ed.). Beirut, Lebanon: Dar Al-Kutub Al-Ilmiyah.
4. Mufaddal bin Salamah bin Asim, A. T. (1380 AH). Al-Fakher (A. A. Al-Tahawi, Ed.; M. A. Al-Najjar, Rev.). Cairo: Dar Ihyaa Al-Kutub Al-Arabiya.
5. Battakh, M. M. (2010). A contrastive study of Arabic and English idiomatic expressions in the fields of translation and education (Master’s thesis). Yarmouk University, Jordan.
6. Fayid, W. (2003). Some forms of idiomatic expressions in contemporary Arabic. Journal of the Arabic Language Academy, 4, Damascus, 897.
7. Omar, A. M. (2008). Contemporary Arabic Language Dictionary. Cairo: Alam Al-Kutub.
8. Sibawayh, U. B. Q. (1991). Al-Kitab (A. S. Haroun, Ed.). Cairo: Maktabat Al-Khanji.